

**“Ўзпартампоаж” АЖ акциядорларининг 2021 йил
Яқунларига бағишланган навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши
1 – сон Б А Ё Н Н О М А С И**

2022 йил 30 июнь
Йиғилиш бошланиш вақти: 10:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шох кўчаси, жамият биноси

Акциядорлар умумий йиғилиши президнуми:

Умумий йиғилиш раиси -

Ахмедов Ж.Р.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг
ваколатли вакили -

Мавлонов А.О.

“Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили

Хомидов М.С.

“ALPENFORT CAPITAL” МЧЖ вакили -

Махмудов А.У.

“Ўзпартампоаж” АЖнинг йирик акциядори
жисмоний шахс -

Юнусматов А.М.

«Ўзпартампоаж» АЖ директори -

Суяров Б.О.

Йиғилиш котиби:

Мингяшаров Н.Қ.

Жами овоз берувчи акциялар сони – 8 447 400 дона

Жами акциядорлар сони – 490 киши

Қатнашдилар:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги”нинг вакили, ишончнома асосида Мавлонов А.О. – 2 859 713 та овоз, «ALPENFORT CAPITAL» МЧЖнинг вакили, ишончнома асосида Махмудов А.У. – 816 200 та овоз, “Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг, вакили ишончнома асосида Хомидов М.С. – 1 267 110 та овоз, Жамиятнинг йирик акциядори жисмоний шахс Юнусматов А.М. – 1 161 400 та овоз ва 50 800 та овозга эга бўлган 4 нафар акциядор-жисмоний шахслар жами 6 155 223 та овоз билан қатнашдилар.

Кворум – 72,3%.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 77-моддаси ва Жамият Уставининг 10.2-бандига асосан - Жамият кузатув кенгаши раиси акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилиши белгиланган.

Умумий йиғилишда “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгаши раиси Ж.Р. Ахмедов умумий йиғилиш раиси ва йиғилиш котиби этиб жамият ходими – Н.Қ. Мингяшаров тайинланди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Кузатув кенгашининг 2021 йилда ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Ўзпартампоаж” АЖ директорининг 2021 йил яқунлари буйича Бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
5. “Ўзпартампоаж” АЖнинг 2021 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг

халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган хулосаси ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтишчисининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

6. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

7. “Ўзпартампотаж” АЖ директорига 2022 йилда тўланадиган рағбатлантиришнинг ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорини белгилаш.

8. “Ўзпартампотаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

9. “Ўзпартампотаж” АЖнинг тафтишчиси-назорат органини тугатиш “Тафтишчи тўғрисида”ги низомини бекор қилиш.

10. Аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш.

11. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиладиган текшириш ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудиторни танлаш.

12. “Ўзпартампотаж” АЖнинг Устави ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Якка тартибдаги ижроия органи – директори тўғрисида”ги низомларини янги таҳрирда тасдиқлаш.

13. “Ўзпартампотаж” АЖ ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва уни янгидан тасдиқлаш.

Э Ш И Т И Л Д И :

Йиғилиш раиси Аҳмедов Жамшид Рустамович сўзга чиқиб, бугунги акциядорлар умумий йиғилишида кворум мавжудлигини ва йиғилишни очилишини эълон қилди. Йиғилиш иштирокчилари ичидан 5 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилди. Булар:

Аҳмедов Жамшид Рустамович
Хомидов Максуд Саидмахмудович
Мавлонов Азизбек Олимович
Юнусматов Азамат Мурадович
Суяров Бахриддин Овлоқулович

Таклиф бир овоздан маъқулланди. Баённомани ёзиб боровчи котибни сайлаб олишни таклиф этди ва жамиятнинг корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери Мингяшаров Н.Қ. номзоди кўрсатилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибдаги **биринчи** ва **иккинчи** масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклиф қилди:

Эримов М. - санок комиссияси раиси.
Олимов А. - санок комиссияси аъзоси
Кароматов А. - санок комиссияси аъзоси

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Регламент бўйича кун тартибдаги масалалар жами 13 тани ташкил этади ва ҳисобот берувчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Тарафдорлар – 6 155 223 та овоз.**

Қаршилар – йўк,
Бетарафлар – йўк.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат М.Эримов, А.Олимов ва А.Кароматов санок комиссияси аъзолари этиб сайлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан сўзга йиғилиш раиси Ахмедов Жамшид Рустамович сўзга чиқди. У 2021 йил давомида “Ўзпартампонаж” АЖ директори ва етакчи мутахассислар иштирок эткан 12 та кузатув кенгаш йиғилиши ўтказилиб, қарорлар бир овоздан қабул қилинганлигини ва жамият директорининг ҳисоботлари ҳамда бевосита Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳар чорақда тинглаб, баҳоланиб борилганлигини айтиб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамият Кузатув Кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Тарафдорлар** – 6 155 223 та овоз.
Қаршилар – йўк,
Бетарафлар – йўк.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

3. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Тўртинчи масала бўйича “Ўзпартампонаж” АЖ директори **Б.О. Суяров** сўзга чиқди. У акциядорлик жамиятининг 2021 йилдаги молия – хўжалик фаолияти ва бажарилган ишлар, бизнес-режа кўрсаткичлари, узок ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи ҳамда 2021 йилда олдимишга қўйилган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. (*маъруза илова қилинади*).

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Тарафдорлар** – 6 155 223 та овоз.
Қаршилар – йўк,
Бетарафлар – йўк.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

4. Жамият директорининг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узок ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича жамиятнинг молия ва истикболли режалаштириш бўлими бошлиғи **Комилов Б.Б.** сўзга чиқди. У Жамиятнинг 2021 йил молиявий – хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи, самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтишчисининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди (*ҳисоботлар илова қилинади*).

Бешинчи масала мухокамасидан сўнг, жамиятни 2021 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган хулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтишчисининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди : **Тарафдорлар** – 6 155 223 та овоз,
 Қаршилар – йўқ,
 Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

5. Жамиятнинг 2021 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан “Бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти”га мувофиқ берилган хулосаси, ташқи аудит “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартлари”га мувофиқ берилган хулосаси ҳамда ташқи аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтишчисининг хулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Олтинчи масала бўйича жамиятнинг молия ва истиқболли режалаштириш бўлими бошлиғи **Комилов Б.Б.** сўзга чиқди. У ўз нутқида 2021 йил якуни бўйича жамият 3 205 748 000 сўм миқдорда соф фойда кўрганлиги ва бу соф фойдани жамият кузатув кенгаши томонидан қуйидагича тақсимлаш тавсия этилганлиги тўғрисида маълумот берди. Хусусан:

- дивидендга – 22,4% ни яъни ҳар бир оддий акция учун 85 сўмдан жами 718 029 000 сўм;

- жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга – (13–ойлик) 19,6% ни яъни 628 385 160 сўм;

- жамият яқка тартибда ижро органи – директорга Ўз.Рес. ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775 – сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўловига – 2% ни яъни 64 114 960 сўм;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатларига – 1% ни яъни 32 057 480 сўм;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига (техникаларни янгилаш) – 55% ни яъни 1 763 161 400 сўмни йўналтириш.

Жамиятнинг молия ва истиқболли режалаштириш бўлими бошлиғи **Комилов Б.Б.** ўз сўзини давом эттириб бу тавсия қилинган тақсимотни тасдиқлашни таклиф қилди.

Олтинчи масала мухокомасидан сўнг, жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди : **Тарафдорлар** – 3 295 510 та овоз,
 Қаршилар – 2 859 713 та овоз,
 Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

6. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича олинган 3 205 748 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- дивидендга – 22,4% ни яъни ҳар бир оддий акция учун 85 сўмдан жами 718 029 000 сўм;

- жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга (13–ойлик) – 19,6% ни яъни 628 385 160 сўм;

- жамият якка тартибда ижро органи – директорга Ўз.Рес. ВМнинг 20.12.2020 йилдаги 775 – сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўловига – 2% ни яъни 64 114 960 сўм;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатларига – 1% ни яъни 32 057 480 сўм;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига (техникаларни янгилаш) – 55% ни яъни 1 763 161 400 сўм йўналтирилсин.

Еттинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида” ПФ-101-сон Фармони билан корхоналар бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, маъсулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича қатор талаблар белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июль 2016 йилдаги 207-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 декабрдаги 775-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилган “Корпоратив бошқарув кодекси” талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг якка тартибдаги ижроия органига – директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши инobatга олган ҳолда, жамият директорига 2022 йилда тўланадиган рағбатлантиришни энг юқори миқдори 100 млн.сўм миқдорида белгилаш тақлиф қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқган ҳолда “Ўзпартампожа” АЖ “якка тартибдаги ижроия органига – директорига”га 2021 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг кўп миқдори ҳисоби жадвали ўқиб эшиттирилди (*ҳисоб жадвали илова қилинади*).

Еттинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди :	Тарафдорлар	– 3 295 510 та овоз,
	Қаршилар	– 2 859 713 та овоз,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

7. “Ўзпартампожа” АЖ якка тартибдаги ижроия органига – директорига 2022 йилда тўланадиган рағбатлантиришни тўловини энг юқори 100 млн. сўм миқдорида ва компенсациялар тўловлари (иловага асосан) белгилансин.

Саккизинчи масала юзасидан корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май ЎРҚ-370-сонли билан руйхатга олинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунининг 63-моддаси асосан, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига

(тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақлигини айтиб ўтди.

Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил 6 июндаги мажлис баённомасининг қарорига асосан, “Ўзпартампонаж” АЖ овоз берувчи акцияларининг бир фоизидан ортиқига эгаллик қилувчи акциядорлари - «ALPENFORT CAPITAL» МЧЖ ХК, “ERIELL GmbH” чет-эл компанияси, “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ ва А.М.Юнусматов томонидан ўзларини номзодларини “Ўзпартампонаж” АЖ кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун жамиятга тақдим этган аризалари қабул қилинган ва “Ўзпартампонаж” АЖ кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун номзодлар рўйхатига қуйидаги номзодлар киритилган:

- **Иргашев Рустам Курбанович** – “ERIELL GmbH” чет-эл компаниясининг вакили, жамият акцияларига эга эмас;
- **Юнусматов Азамат Мурадович** – жамиятнинг йирик акциядори, жамиятнинг 1 161 400 дона акцияларига эгаллик қилади;
- **Мирзарахманов Фаррух Сапарали ўғли** – “Alpenfort Capital” МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас;
- **Ахмедов Жамшид Рустамович** – “Alpenfort Capital” МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас;
- **Азамов Муҳаммад Ўктам ўғли** – Давлат активларини бошқариш агентлиги, жамият акцияларига эга эмас;
- **Шадманкулов Шерзод Аблакулович** – Монополияга қарши курашиш кўмитаси, жамият акцияларига эга эмас;
- **Тўраев Нодир Қойирович** – Давлат активларини бошқариш агентлиги, жамият акцияларига эга эмас;
- **Чиникулов Азамат Холдорович** – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас;
- **Саидназирхонов Саидкомил Саидахмадхонович** – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас;
- **Саидназирхонов Саидбурхон Саидкомил ўғли** – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас;
- **Абдужабборов Аваз Абдусатторович** – “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас.

Саккизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Жамият кузатув кенгаши таркибига номзодлардан 7 кишини сайлаш овозга қуйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

1. **Юнусматов Азамат Мурадович** – 8 129 800 та овоз берилди;
2. **Иргашев Рустам Курбанович** – 6 909 980 та овоз берилди;
3. **Ахмедов Жамшид Рустамович** – 3 947 790 та овоз берилди;
4. **Азамов Муҳаммад Ўктам ўғли** – 816 200 та овоз берилди;
5. **Тўраев Нодиржон Қойирович** – 816 200 та овоз берилди;
6. **Шадманкулов Шерзод Аблакулович** – 816 200 та овоз берилди;
7. **Мирзарахманов Фаррух Сапарали ўғли** – 816 200 овоз берилмади;
8. **Чиникулов Азамат Холдорович** – овоз берилмади;
9. **Саидназирхонов Саидкомил Саидахмадхонович** – овоз берилмади;
10. **Саидназирхонов Саидбурхон Саидкомил ўғли** – овоз берилмади;
11. **Абдужабборов Аваз Абдусатторович** – овоз берилмади.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

8. “Ўзпартампонаж” АЖ Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги 7 киши сайлансин:

1) **Мирзарахманов Фаррух Сапарали ўғли** – (паспорт АА7737735, Тошкент вил., Чирчиқ шаҳри ИИБ томонидан 18.11.2014 йилда берилган) «Alpenfort Capital» МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас;

2) **Ахмедов Жамшид Рустамович** - (паспорт АА4601338, Бухоро вилояти ИИБ томонидан 07.03.2014 йилда берилган) «Alpenfort Capital» МЧЖ вакили, жамият акцияларига эга эмас;

3) **Иргашев Рустам Курбанович** – (паспорт АС3157720, Тошкент ш., Шайхантохур тумани ИИБ томонидан 26.11.2020 йилда берилган) “ERIELL GmbH” чет-эл компаниясининг вакили, жамият акцияларига эга эмас;

4) **Юнусматов Азамат Мурадович** – (паспорт АА0728934, Тошкент ш., Миробод тумани ИИБ томонидан 24.01.2013 йилда берилган) – жамиятнинг йирик акциядори, жамиятнинг 1 161 400 дона акцияларига эгалик қилади;

5) **Тўраев Нодиржон Қойирович** – Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи;

6) **Азамов Муҳаммад Ўктам ўғли** – Давлат активларини бошқариш агентлиги бош матахассиси;

7) **Шадманкулов Шерзод Аблакулович** – Монополияга қарши курашиш қўмитаси бош юристи.

Тўққизинчи масала бўйича **Н.Қ. Мингяшаров** сўзга чиқди. Ўз сўзида, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли Қонуни билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 107-моддасига мувофиқ, жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) мумкинлиги назарда тутилган. Шунга кўра, жамиятда молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида сон жиҳатдан бир нафар аъзодан иборат бўлган тафтишчи ташкил этиш кўзда тутилган бўлса, лекин бу назорат органи самарасиз фаолият кўрсатиб келаётгани таъкидлаб ўтилди.

Жамиятнинг жорий молия-хўжалик фаолиятни назорат қилиш мақсадида кузатув кенгаши томонидан ички аудит хизмати ташкил этилганлигини ва бундан ташқари жамиятнинг йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларини Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, Халқаро аудит стандарти ва Халқаро молия ҳисобот стандартлари бўйича мажбурий ташқи аудит текшируви ўтказилишини инобатга олган ҳолда ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 107-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан жамиятда тафтиш комиссияси тузилиши мажбурий бўлмаганлигини инобатга олган ҳолда “Ўзпартампотаж” АЖ тафтишчисини тугатиш бўйича таклиф киритилди:

Тўққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг, овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари : **Тарафдорлар** – 6 155 223 та овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

9. “Ўзпартампотаж” АЖнинг тафтишчисини-назорат органи тугатилсин ва “Тафтишчи тўғрисида”ги низоми бекор қилинсин.

Ўнинчи масала бўйича **Н.Қ. Мингяшаров** сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ, жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилиши ва қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахслари деб белгиланганлигини айтиб ўтди:

- ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

- ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортик фоизига эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортик фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс.

Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 88-моддасига мувофиқ, жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

“Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инобатга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўнинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг, овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари :	Тарафдорлар	– 3 295 510 та овоз,
	Қаршилар	– 2 859 713 та овоз,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

10. “Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инобатга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битим (битимлар) иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўн биринчи масала юзасидан сўзга жамиятнинг корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери **Мингяшаров Н.Қ.** чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 мартдаги ЎРҚ-351-сонли айрим қонун ҳужжатларига узгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59 ва 75-моддаларига ўзгартиришлар киритилганлигини, хусусан - “мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш” айтиб ўтди.

Ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга мувофиқ акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш кераклиги тўғрисида гапирди.

Жамиятни 2022 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш мақсадида танлов ўтказиш тўғрисида танлов эълон қилинганлиги тўғрисида ахборот берди.

“Ўзпартампонаж” АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш учун жамиятга келиб тушган тижорат таклифларидан жамият ички аудиторининг Кузатув кенгашига берган хулосасига асосан қуйидаги ташкилотлардан келиб тушган тижорат таклифларидан бирини тасдиқлашни таклиф қилди:

№	Аудиторлик ташкилоти номи	Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти	Молиявий хисоботни халқаро аудит стандарти ва халқаро стандартларга мувофиқ текшириш учун хизмат хақи (сум)	СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиш хисоби текшириш учун хизмат хақи (сум)	Корпоратив бошқарув тизими баҳолаш учун хизмат хақи (сум)	Лицензия	Аудиторлик жавобгарлиги суғурта полиси
1	“AUDIT-HISOB MARKAZI”	6 000 000	9 000 000	4 000 000	4 000 000	№АФ-00762 02.04.2019й.	“O’ZBEKINVEST” МЧЖ суғурта суммаси 1 млрд.сўм
2	“NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ	6 000 000	8 500 000	4 000 000	3 500 000	№АФ-00750 01.04.2019й.	“KAPITAL SUG’RTA” МЧЖ суғурта суммаси 1 млрд.сўм
3	“HOMBUR-AUDIT” МЧЖ	5 500 000	9 000 000	3 500 000	3 500 000	№ 00749 01.04.2019й.	“KAPITAL SUG’RTA” МЧЖ суғурта суммаси 1 млрд.сўм

Ўн биринчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди: **Тарафдорлар** – 6 155 223 та овоз,
Қаршилар – 2 859 713 та овоз,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

11. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2021 йил якуни буйича бухгалтерия хисобининг миллий стандарти бўйича ташқи аудит текширувини ўтказиш учун “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат хақи 5 500 000 (беш миллион беш юз минг) сўм миқдориди белгилансин, молия хисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит текширувини ўтказиш учун “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган хизмат хақи 8 500 000 (саккиз миллион беш юз минг) сўм миқдориди белгилансин ҳамда самарадорлик муҳим курсаткичлари (СМК), самарадорлик йигинди курсаткичларари (СЙК) ва уларнинг бажарилиш фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун аудиторлик ташкилоти сифатида “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат хақи 3 500 000 (уч миллион беш юз минг) сўм миқдориди белгилансин.

Кун тартибига қўйилган ўн иккинчи ва ўн учинчи масалалар юзасидан сўзга жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери **Мингяшаров Н.Қ.** чикди. Ўз сўзида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли Қонуни билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”

ПФ-101-сон Фармони билан корхоналар бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, маъсулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича қатор талаблар белгиланганлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, жамиятда молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида сон жихатдан бир нафар аъзодан иборат бўлган тафтишчи ташкил этиш кўзда тутилган бўлса, лекин бу назорат органи самарасиз фаолият кўрсатиб келаётгани сабабли, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 107-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан жамиятда тафтиш комиссияси тузилиши мажбурий бўлмаганлигини ҳамда жамият тафтишчисини тугатилишини инобатга олиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш кераклигини айтиб ўтди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайд этилган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш, жумладан уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, заруратга кўра янги таҳририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кераклигини айтиб ўтди.

Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган “Ўзпартампонаж” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави ҳамда “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Якка тартибдаги ижроия органи – директори тўғрисида”ги низомларга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни билан йиғилганлар таништирилди.

Ўн иккинчи ва ўн учинчи масалалар муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди : **Тарафдорлар** – 6 155 223 та овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бегарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

12. “Ўзпартампонаж” АЖнинг “Устави”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Якка тартибдаги ижроия органи – директор тўғрисида”ги ички низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.

13. “Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш раиси:

 Ахмедов Ж.Р.

Йиғилиш котиби:

 Мингяшаров Н.К.

Баённома имзоланди « 08 » июль 2022 йил.